



Uzacryl M20 – акрил кислотаси ва стирол сополимерининг ўрта анионик куюк дисперсияи

## КҮЛЛАНИЛИШИ

Uzacryl M20 - куйидаги махсулотларни тайёрлаш учун универсал бөгловчи хисобланади:

- Фасад ва интерьер бўёклари
- Текстурали копламалар
- Минерал асосидаги грунтовкалар
- Шпатлёвкалар

□ Модификациялашган силикат бўёклари

□ Бетонни химояловчи воситалар

## ХУСУСИЯТЛАРИ

□ Юкори даражада ~~пигментларни~~ билан

□ Бошка багловчилар ~~билингатоси ёлиши~~ конли ва х.к.)

□ Говакли асосларга яхши сингиши

□ Механик кориштиришларга баркарорлиги

□ Сув ва ишкорга яхши чидамлилиги

□ Сувга нисбатан оз сингдирувчанлиги

□ Катламнинг шаффоғлиги ва юкори эгилувчанлиг

## МАХСУЛОТ ТАРКИБИ

TSh 64-15329272 - 04: 2007 бўйича асосий техник маълумотлар

Каттиқ модда таркиби	$50 \pm 1$ , %	
25 °C даги куюклиги,	(Брукфильд DV-II+ Pro, шпиндел 70063, 10000	
pH кўрсаткичи	7-9,	г/см 3
Зичлик, 20 °C	тахминан	1.02 - 1.07
Заррачаларнинг ўрта ўлчам таҳминан		0.1, мкм
Катлам	хосил бўлишнинг минимал температураси	+ 13, °C
Дисперсия тури	Анионли	
Пластификатор	Ёк	
Сув билан коришиши	Яхши	
Пигмент билан боғланиши	Юкори	
Совукка чидамлилиги	Совукка чидамли эмас	

## КАТЛАМ ТАРКИБИ

Катлам	нинг ташк	и кўриниши	Шаффо
Эгилувчанлик	Яхши		
Ишқаланишга каршилик	Юкори		
Ёргулликка чидамлилик	Мустахкам		

## КАЙТА ИШЛАШ

Кенг кўлланиладиган курилиш бўёклари, елимли материаллар, турли бўёклар, куюк ва юкори таркибли каттиқ моддаларни талаб килувчи синтетик мойли сувок

махсулотлари хамда шпатлёвкалар ишлаб чиқариш жараёнида кориштириш юкори тезликда харакатланувчи мосламалар ёрдамида амалга оширилади. Бунда дисперсия ва кўшимча моддалар тўлдирувчи ва пигментларни ўзаро баглаш учун кўлланилади. Курилиш бўёкларини ишлаб чиқариш жараёни одатда юкори тезликдаги кориштиргичларда, масалан, диссольверларда амалга оширилиб, бунда тўлдирувчи пигмент коришмалари аввал кўшимча моддалар билан бирга аралаштирилган бўлиши, дисперсия эса сўнгидаги кўшилиши керак бўлади.

Uzacryl M20 дисперсияси шу даражада баркарорки, у юкори тезликдаги диспергатор, бисер тегирмонларидаги юкори босимларга хам бардош бера олади. Шу хусусияти туфайли Uzacryl M20, бошка стирол акрил асосидаги кўплаб дисперсиялардан фаркли равища, ўз таркибида тўлдирувчилар ва пигментлар микдори жуда юкори бўлган шпатлёвкалар ишлаб чиқариш имконини бермокда. Бундай сифат кўрсаткичи, ўз навбатида, турли тайёр махсулотларнинг тан нархини пасайтиришга олиб келмокда. Uzacryl M20, бошка дисперсиялар каби, кўпиришга мойил. Шу сабабли у кўпикни камайтирадиган кўшимчалар ишлатилишини талаб килади. Уларнинг микдори ва самарадорлиги тажриба йўли билан аникланиши лозим. Бизнинг дисперсиямиз турли хил микроорганизмлар таъсиридан химояланган. Унинг асосида тайёрланган бошка махсулотларни саклаш вактида уларнинг баркарорлигини таъминлаш учун керакли консервантларни кўшиш максадга мувофиқдир. Кўлланилаётган консервантларнинг уйгунлиги ва самарадорлигини хам тажрибали йўл билан аниклаш мумкин. Куюклини назорат килиш ва махсулотнинг истеъмолчилик хусусиятларини ошириш учун одатда куюклаштиргичлар кўшиш керак бўлади. Кенг кўлланиладиган куюклаштиргичлар бўлиб, целлюлоза эфирлари, полиакрилат ёки диуретан хисобланади. Уларни танлаш кандай тайёр махсулот тайёрланишига (тиксотроп ёки унча куюк бўлмаган) баглик.

Uzacryl M20 13°C дан юкори температураларда жуда яхши катлам хосил килади. Бунда минимал температурада катлам хосил бўлишига эришиш учун коалисцентлардан (умумий рецептдан 1-1.5% микдорида) фойдаланиш мумкин. Хидли багловчилар, бутил(ди)гликол, бутил(ди)гликолацетат, тексанол ва бошкалардан хам шу максадда фойдаланса бўлади. Кичик молекулярли спиртлар ва гликоллар тайёр махсулотни совукка чидамлилик хусусиятини яхшилайди, аммо катлам хосил бўлиш температурасини пасайтирамайди. Катлам алохида эгилувчанлик бериш максадида пластификаторлар хам кўшиш мумкин. Uzacryl M20 асосида янги махсулотларни тайёрлаш жараёнида турли тажрибалар ўтказиш максадга мувофиқдир. Кўплаб омилларнинг, жумладан, кўшимчаларнинг ўзаро мутаносиблиги, мослиги, кориштириш жараёнининг ўтиши, моддалар адгезияси ва хоказоларни факат ишлаб чиқариш давомидагина аниклаш мумкин. Ишлаб чиқариш жараёнига таъсир килувчи барча омилларни камраб ололмаслиги туфайли, ишлаб чиқарувчилар Uzacryl M20дан фойдаланган холда янги махсулот чиқариш устида ўзларининг шахсий тажрибаларини ўтказишлари тавсия этилади.

## ХАВФСИЗЛИК

### Умумий талаблар

Бизнинг кўп йиллик тажрибамиз ва бошка умумий маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, Uzacryl M20ни тўгри кўллаш оддий ишлаб чиқариш гигиенаси талабларига амал килинган холда согликка салбий таъсир кўрсатмайди. Химикатлар билан ишлаш вактида стандарт талабларга ва гигиена коидаларига амал килиш талаб этилади. Кайта ишлаш жараёнида самарали хаво алмашинуви хамда терини химояловчи воситалар, химоя кўзойнаги билан таъминланган бўлиши зарур. Махсулот терига/кўзга теккан холларда, терини/кўзни зудлик билан тоза сув билан яхшилаб ювига ташлаш лозим. Махсулотни давомли кўллаш тери ва шиллик копламларда гаш келиш холатини юзага келтириши мумкин.

### Саклаш

Uzacryl M20 саклаш ва кайта ишлаш вактида занглашга мойил металлар ёки химоя катламига эга бўлмаган куйилмалар билан алокада бўлиши ман этилади. Махсулот солинган идишлар зич ёпилган холда очик хаво бўшлиги ва керакли намликка эга, куёш нурлари тўгридан-тўгри тушмайдиган хонада сакланиши лозим. Микроорганизмларнинг таъсиридан кочиш учун, махсулот сакланаётган идишлар гигиенасига амал килиш даркор. Махсулотни кучли кизиши ва музлашига йўл кўймаслик зарур. Бочкаларни ёнма-ён кўйилган холда саклаш тавсия этилади. Ушбу шартларга амал килинган холда ва  $+5^{\circ}/ +35^{\circ}\text{C}$  температура оралигига сакланганда, махсулот ишлаб чиқарилган кундан бошлаб 12 ой давомида ўз таркибини ўзгартирмайди.

Uzacryl M20, бошка дисперсиялар каби, темир, мис, цинк, алюминий каби металларга нисбатан сезувчандир. Шу сабабли, ушбу металлар ва уларнинг куйилмаларидан эҳтиёт бўлиш талаб этилади. Ушбу шартлар нафакат саклаш захиралари, балки ишлаб чиқариш жараёнида кўлланиладиган утгазгичлар, кувурлар,

кориштиргичлар ва идишларга хам тааллуклидир.